

Ҳаёт мана шу. Танимагани сийламас!



09:00 / 06.08.2021 3784

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга етти нафар Аршнинг соясидан жой оладиган тоифа ҳақида гапирдилар. Улар орасида яширин садақа қиладиган, ўнг қўли берган садақани чап қўли билмайдиган киши ҳам борлигини айтдилар.

Зайнул Обидин роҳимаҳуллоҳ кечалари фақирларникига садақа ташир эдилар. Уни фақирлар, бевалар, мискинларнинг уйлари эшиги олдида қўйиб кетар, фақирлар уни ким ташлаб кетганини билмасдан қолишар эди. Зайнул Обидин роҳимаҳуллоҳ бу ишларни ўзи қилар, бу ишларга ходим ёки дўстини жалб қилмас эди. Буни ҳеч ким билмаслигини мақсад қилган эди. Узоқ йиллар шундай бўлиб қолди. У зот вафот қилганида уни ювган кишилар унинг елкаларида кўтарган қопларининг изларини кўришди. У вафот қилиши билан ҳалиги фақир, мискин ва беваларникига нарса борма

қўйди. Шундан билишдики, бу ишларни Зайнул Обидин қилар экан.

Яширин садақага бир неча сабабларга кўра савобларнинг энг олийси берилади:

1. Уни қилаётган киши бу қилаётган ишини кишилардан яширишга ҳаракат қилади. Ёлғиз Аллоҳнинг билиши унга кифоя қилади. Бу билан риёдан қутилади. Аллоҳнинг розилиги истаб қилинган садақадан ҳам ўтадиган садақа борми?!

2. Бунда инсонларнинг обрўсини сақлаш ҳам бор. Бировларга ҳожатнинг тушиши нафсни синдириб қўяди. Баъзи инсонлар кўпчиликнинг олдида садақа олишдан ийманишади. Унинг наздида обрўси эҳтиёждан муҳимроқдир. Яширин садақада ана шу жиҳатдан ажр кўпдир. Бунда садақа бор, кўнгилни олиш бор, обрўни сақлаш бор.

Аввалгилар худди ёмонликларини яширган каби яхшиликларини ҳам яширишар эди. Улар ибодатларини кишилар кўришини ишташмас эди. Имом Заҳабий роҳимаҳуллоҳ Довуд ибн Абу Ҳинднинг таржимаи ҳолини зикр қила туриб унинг қирқ йил рўза тутганини, буни ҳатто оиласидагилар ҳам билмаганини айтади. У дўконга чиқаётганида хотини унга овқат бериб юборар экан. Унинг рўзалигини билмас экан. У эса овқатни фақирларга садақа қилар, кечқурун уйга келганида оиласи даврасида худди рўза тутмагандек улар билан бирга кечки овқатни ер экан.

Ибнул Жавзий роҳимаҳуллоҳ Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳдан қуйидаги ривоятни келтиради:

«Мен Абдуллоҳ ибн Муборак билан бирга эдим. Биз бирга сув ичадиган жойга келдик. Кишилар кўп эди. Абдуллоҳ ибн Муборак сув ичиш учун яқинлашди. Кишилар уни танимасдан итариб чиқариб юборишди. У қайтиб келиб деди:

«Ҳаёт мана шу. Танимаганни сийламас!».

Қанақа ибодат бўлмасин, уни яширин қилишга қодир бўлсанг уни ошкор қилма. Садақани яширишга қодир бўлсанг уни яшир. Амални риёчалик барбод қиладиган нарса йўқ. Инсонлар кўрмаган амал Аллоҳнинг изни билан риёдан саломат қолади. Риёдан саломат қолган амал қабул қилинади. Қабул қилинган амал эса сени уфқларга олиб чиқади!

Абдулқодир Полвонов тайёрлади